

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«20» Февраль 2020 у.

№ 107

Toshkent sh.

**Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида
солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчиликнинг
алоҳида тартибини жорий этиш тўғрисида**

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида солиқ солиш объектларини ҳисобга олишни соддалаштириш, савдо ва хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳамда истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, маҳаллий бюджетга даромадлар тушумларининг кўшимча манбаларини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг **2020 йил 1 майдан бошлаб, 2021 йил 1 майгача** Бўстонлиқ туманида тажриба тариқасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчиликнинг алоҳида тартибини (кейинги ўринларда тажриба деб аталади) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тажриба даврида:

жисмоний шахслар томонидан дам олиш уйлари, дала ҳовли, якка тартибда курилган уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар (кейинги ўринларда кўчмас мулк объектлари деб аталади), шунингдек, мазкур қарорга иловада кўрсатилган айрим мол-мулк турлари (кейинги ўринларда айрим мол-мулк турлари деб аталади) солиқ органларининг таянч пунктлари томонидан **солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги бепул бериладиган гувоҳнома** асосида ижарага берилади;

жисмоний шахслар томонидан кўчмас мулк объектларининг ижарага берилиши билан бир вақтда **Давлат солиқ қўмитасининг ягона электрон платформасига** (мобил илова ёки веб-сайт орқали) бу ҳақдаги маълумотлар киритилиши лозим. Бунда ягона электрон платформага тегишли маълумотлар киритилган тақдирда, кўчмас мулк объектларини ижарага бериш шартномасини тузиш ва уни давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйиш талаб этилмайди;

кўчмас мулк обьекти ва айрим мол-мулк турлари солиқ органларида ҳисобга олинган **махсус чеклар тақдим этиш орқали** ижарага берилади ҳамда тегишли солиқлар тўланган тақдирда, ушбу фаолиятдан тушган **нақд пулни банк кассасига топшириш ихтиёрий ҳисобланади**;

солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги гувоҳномасиз кўчмас мулк объектлари ва айрим мол-мулк турларини ижарага бериш ёхуд кўчмас мулк объектларининг ижарага берилгани тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда ягона электрон платформага киритмаслик – **солиқларни тўлашдан бўйин товлаш деб ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади;**

солиқ солиш объектларининг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги гувоҳнома асосида айрим мол-мулк турларини ижарага бериш билан шуғулланадиган жисмоний шахслар **тадбиркорлик субъектлари сифатида давлат рўйхатидан ўтиши шарт эмас** ҳамда уларнинг даромадларига белгиланган тартибда декларация асосида солиқ солинади;

тадбиркорлик субъекти сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолда оилавий меҳмон уйлари хизматлари кўрсатаётган ва айрим мол-мулк турларини ижарага бериш билан шуғулланадиган жисмоний шахсларга **мазкур қарор талаблари татбиқ этилмайди.**

3. Бўстонлик туманининг Ғазалкент шаҳри, Дўстлик, Сижжак ва Новобод маҳалла фуқаролар йигини худудларида **4 та солиқ таянч пунктлари** ташкил этилсин ва солиқ органлари бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 30 та штат бирлиги ажратилсин.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда солиқ таянч пунктлари учун Бўстонлик туманининг Ғазалкент шаҳри, Дўстлик, Сижжак ва Новобод маҳалла фуқаролар йигини худудларида ер участкалари ажратиш ёки уларни бўш бинода жойлаштириш чорасини кўрсин.

Мазкур солиқ таянч пунктлари учун ихчам бинолар қурилиши ҳамда уларни замонавий ахборот-коммуникация тизими билан жиҳозлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар маҳсус жамғармаси ҳамда Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарорнинг 2-бандида кўрсатилган ягона электрон платформа ва мобил илованинг яратилишини ва Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминласин;

Молия вазирлиги билан биргаликда Бўстонлик туманида ташкил этиладиган солиқ таянч пунктлари ходимлари учун мазкур қарорда назарда тутилган солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартиби бўйича ўқув курсларини ташкил этсин;

мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида тажриба жараёнига бағишлиланган мавзули аудио ва видеороликлар, баннерлар, плакатлар, стендлар ҳамда инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда кампаниялар ўтказсин.

Ягона электрон платформа ва мобил иловани яратиш билан боғлиқ бўлган маблағлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан ажратилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасига 2020 йил 1 апрелга қадар Бўстонлик тумани давлат солиқ инспекциясининг кўшимча 5 та хизмат автотранспорт воситаларини саклашга лимит ва уларни харид қилишга зарур пул маблағлари ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда жисмоний шахсларнинг солиқ солиш объектлари ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш, ягона электрон платформани юритиш, унга кўчмас мулк объектлари ижарага берилгани тўғрисидаги маълумотларни киритиш тартиби ҳақида вақтинча низом ишлаб чиқсин ва тасдикласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар тажриба натижаларига кўра, уни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлилий маълумотнома ва таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижроси қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров – мазкур қарор ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш, белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев – мазкур тажрибанинг мұваффақиятли ва самарали амалга оширилиши юзасидан барча зарур чоралар қўрилишини ва унда белгиланган вазифаларнинг солиқ органлари томонидан бажарилиши жараёнини ахборот-коммуникация технологиялари орқали назорат қилишни таъминласин;

Тошкент вилояти ҳокими Р.К. Холматов – солиқ таянч пунктларининг самарали фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни таъминласин ҳамда зарур маблағларни ўз вақтида ажратсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Д. Хаджаев – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, мавзуга доир телекўрсатувлар ташкил этсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “20” февралдаги
107-сон қарорига
ИЛОВА

**Жисмоний шахсларнинг даромад манбаси сифатида солиқ
органларида ҳисобга қўйиладиган мол-мулклари
РЎЙХАТИ***

- Сув транспорти (моторли ва моторсиз, шу жумладан шишириладиган).
- Сув мотоцикллари (скутерлар ва бошқалар).
- Қорда юрадиган техника воситалари (кор автоулови).
- Квадрацикллар.
- Парапланлар ва дельтапланлар.
- Супа, сўри, топчанлар ва шунга ўхшаш дам олиш учун жойлар.

**) Мазкур рўйхатга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан
Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда, ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши
мумкин.*

